
Сўхободлик болажонларга янги боғча тухфа этилди

Риштон туманининг олис ҳудудларидан бири бўлган “Сўхобод” маҳалласидаги 56-сонли мактабгача таълим ташкилоти янги қиёфада болажонларни бағрига олди “Инвестиция” давлат дастури доирасида замонавий, барча қулайликларга эга боғча маҳалланинг 120 нафар жажжи болажонлари учун эндиликда энг севимли тарбия ва таълим маскани бўлади. Мазкур муассаса «Фарғона қурилиш» МЧЖ томонидан 3,5 млрд маблағ эвазига қуриб битказилди. Тантанали очилиш маросимида туман ҳокими, туман сектор раҳбарлари, маҳалла фаоллари ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этишди. Туман ҳокими барчани янги мактабгача таълим ташкилоти ишга тушгани муносабати билан қутлар экан, тарбиянинг негизи бўлган мактабгача таълим ташкилотларини замон талаблари даражасида юқори савияда ташкил этиш, зарур анжомлар, малакали кадрлар билан таъминлаш етук, баркамол келажак авлодни тарбиялашда муҳим омил эканлигини таъкидлаб ўтди.

2022-02-08 15:03:01